

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**САЙДАЛИЕВА ФЕРУЗА АВАЗХАНОВНА**

**ҚУШТОРОН ЎСИМЛИГИ (*POLYGONUM AVICULARE*) АСОСИДА  
ОЛИНГАН ЯНГИ ДОРИ ВОСИТАЛАР ФАРМАКОЛОГИЯСИ**

**14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сайдалиева Феруза Авазхановна**

Кушторон ўсимлиги (*Polygonum aviculare*)

асосида олинган янги дори воситалар фармакологияси..... 3

**Сайдалиева Феруза Авазхановна**

Фармакология новых лекарственных

средств на основе горца птичьего

(*Polygonum aviculare*)..... 23

**Saydaliyeva Feruza Avazhanovna**

Pharmacology of new medicines based on knotweed

(*Polygonum aviculare*)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**САЙДАЛИЕВА ФЕРУЗА АВАЗХАНОВНА**

**ҚУШТОРОН ЎСИМЛИГИ (*POLYGONUM AVICULARE*) АСОСИДА  
ОЛИНГАН ЯНГИ ДОРИ ВОСИТАЛАР ФАРМАКОЛОГИЯСИ**

**14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib492 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Файзиёва Зиёда Тўраевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Даминова Лола Турғунпулатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аллаева Мунира Жўрақуловна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «3» ноябрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (493 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» октябрь да тарқатилди.  
(2021 йил «18» октябрь даги 314 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қон кетиши, айниқса, жарроҳликда, акушерлик патологиясида, отоларингологияда, юқумли касалликларда, антикоагулянтлар дозаси ошириб юборилганда, шунингдек, жароҳатланишларда ва тарқалган қон-томир ичи қон ивиш синдроми каби организмнинг турли касалликлари ҳамда ҳолатларида энг хавфли асоратлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...меъда яра касаллиги билан оғриган беморларнинг 71,3% да кузатиладиган ўткир гастродуоденал қон кетишлар сони сезиларли даражада ошган...»<sup>1</sup>. Дорилардан, антикоагулянтларнинг дозаси ошириб юборилганда, бир вақтнинг ўзида антикоагулянт ва салицилатларнинг ҳамда сульфаниламидлар ва антибиотикларнинг қўлланилиши сабабли келиб чиқадиган қон кетиш ҳолатлари 3,9-10% беморларда кузатилади. Шу сабабли гемостатик дори воситаларни маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан излаш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш ўта долзарбдир.

Дунё бўйлаб турли сабаблар туфайли келиб чиқадиган қон кетишларни юқори самарали комплекс даволаш ва олдини олиш учун ҳар хил табиий ҳамда синтетик дори воситаларини қўллаш борасида тадқиқотлар ўтказишга жиддий эътибор қаратилган. Шунга асосланиб, янги дори воситаларининг гемостатик таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, қон кетишини тўхтатиш самарадорлигини оширишда янги илмий асосланган натижалар талаб қилинади. Оптимал таъсир этувчи дори миқдори ва концентрациясини белгилаш, шунингдек, тажриба ҳайвонлари организмига ўрганилаётган воситаларнинг умумфармакологик таъсирини тавсифлаш ҳамда қон кетишларнинг турли моделларига, жароҳатдан кейинги қон кетишлар хусусиятларини баҳолаш ва уларни самарали даволаш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Юқорида қайд этилган вазифалар касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, аҳоли ҳаёт давомийлигини ошириш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифати яхшилашга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> World Health Organization. The top 10 causes of death.2020 update. Available from: <http://www.who.int> Accessed 2020.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий давлатлар олимлари томонидан *Polygonum aviculare* ўсимлигидан ажратиб олинган биологик актив моддалар ўрганилган ва стандартлаштирилган. Naeng Park (2014) олиб борган тажрибаларида қушторон ўсимлиги спиртли экстракти антисклеротик таъсири борлигини исботлаган. Granica S. (2013) ва бошқа ҳаммуаллифлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, қушторон ўсимлигидан ажратиб олинган флавоноидлар антиоксидант ва яллиғланишга қарши таъсирлари бор. Milan P.B. (2011) қушторон экстрактини лаборатор ҳайвонлар сперматогенез жараёнларига таъсирини аниқлашган. Шунинг учун қушторон ўсимлиги тиндирмасини сийдик таносил органлари сурункали касалликларида ва организмда минерал алмашинуви бузилиш ҳолатларида тавсия этилади (Park S.H. 2018, Saremi J. 2018).

Адабиётлар таҳлили асосида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики МДХ давлатлари олимлари томонидан гемостатик дориларнинг фармакологик хусусиятлари ўрганилган. В.Волкова (2004) қушторон ўсимлиги таркибли 20 дан ортиқ йиғмаларнинг фармакологик таъсирини аниқлаган. Н. М. Петухова (2009) ва А.А. Потапова (2016) қон реологиясига таъсир ижобий этувчи ўсимлик препаратлари билан фармакологик тадқиқотлар олиб боришган. Е.Д.Гармаева (2014) *Urtica dioica* L. барглари, *Polygonum aviculare* L. ўти, *Achillea millefolium* L. ўти ҳамда *Zingiber officinalis* L. ва *Cinnamomum cassia* L.ларнинг ўта майдаланган қуқунлари қуқуқ экстрактдан тайёрланган «Эритрофит» номли ўсимлик дори воситасининг фармакологияси устида илмий тадқиқот олиб борган.

Ўзбекистонда гемостатик препаратларни ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга маҳаллий олимлар томонидан жорий этилган. Х.У.Алиев ва М.Ж.Аллаева (2009) «Инебрин» номли лагохилус қуқуқ экстрактини қон ивиш жараёнларига таъсирини аниқлашган. Д.Т.Тураева ва Н.Л.Выпова (2010) лаговинни зардоб гемостазига таъсирини аниқлашган. Д. С. Казанцева ва

бошқалар (2008 ва 2010) «Антибовосин» препаратининг гемостатик таъсирини аниқлашган. Р.З. Умурзақова оддий зирк ўсимлиги асосида олинган препаратларни тромбоцитопоз жараянларига таъсирини аниқлашган.

Ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамай, янада янги гемостатик хусусиятга эга бўлган воситаларни излаб топиш муаммоси ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда. Бироқ ҳозирги кунга қадар қушторон, аччиқторон ва қичитқи ўти асосида олинган - гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг фармакологик, гемостатик ва токсикологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Буларнинг барчаси олиб борилган диссертациянинг ҳар жиҳатдан долзарблиги ҳамда илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ №01970005204 “Доривор ўсимликлар асосида олинган янги маҳаллий препаратларнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** *Polygonum aviculare* асосида олинган гемостат суюқ экстракти ҳамда қушторон настойкасининг фармако-токсикологик хусусиятларини турли тажриба усулларида кўриб чиқиш, организм учун хавфсизлигини исботлаш ва уларни амалий тиббиётда қўллаш имкониятларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

скрининг тажрибалар асосида қушторон, аччиқторон ва қичитқи ўт йиғмасини энг самарали нисбатини аниқлаш;

гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасинининг гемостатик фаоллигини гемостатик тажриба моделларида аниқлаш;

гемостат суюқ экстрактининг гемостатик таъсир механизминини аниқлаш;

гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг умумий фармакологик ва токсикологик хусусиятларини аниқлаш;

гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг сурункали захарлилигини аниқлаш;

гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг тажриба ҳайвонларининг асосий ички аъзолари ҳамда тизимларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент фармацевтика институти фармацевтик кимё кафедрасида *Polygonum aviculare* асосида олинган янги дори воситалари – гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг гемостатик хусусиятини ва асосий ички аъзо ва тизимлар фаолиятига таъсирини баҳолаш учун тажриба ҳайвонлари-қуён, мушук, каламуш, сичқонлар, уларнинг қони, қон зардоби, ички аъзолари материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда фармакологик, гематологик (қон кетиш давомийлиги ва қон йўқотиш ҳажми, тромбоцитлар адгезияси, тромбоцитлар спонтан агрегацияси, қон ивиш ретракцияси, қон ивиш умумий

кечиш жараёни, умумий қон анализи), биокимёвий (АЛТ, АСТ), иммунологик, морфологик, токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қушторон настойкасининг гемостатик фаоллиги жағ-жағ суюқ экстракти билан таққосланган ҳолда каламушларда қон кетиш вақтини ва қон йўқотиш миқдорини сезиларли даражада камайтириши исботланган;

гемостат суюқ экстрактининг қон ивиш тизимини рағбатлантириши яъни қон ивишининг I ва II босқичларига таъсир қилиб тромбопластин ва тромбиннинг ҳосил бўлиши ва фаоллигини ошириши аниқланган;

гемостат ва қушторон настойкасининг таъсир механизми тромбоцитлар адгезияси ва агрегацияси ҳамда тромбоцитларнинг ретрактил қобиляти билан боғлиқлиги кўрсатилган;

гемостат ва қушторон настойкаси организмга узоқ муддат юборилганда салбий таъсири юзага келмаганлиги ва гистологик тадқиқотларда тажриба ҳайвонларнинг ички органларида патоморфологик ўзгаришлар кузатилмаганлиги аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг тажрибаларда яққол гемостатик таъсирга эга эканлиги аниқланган;

гемостат ва қушторон настойкаси кам захарли бўлиб, узоқ муддат давомида юборилганда тажриба ҳайвонлари томонидан яхши қабул қилинган ва гематологик, биокимёвий кўрсаткичлар ҳамда тана тўқималарининг гистоструктурасида сезиларли ўзгаришларга олиб келмаслиги аниқланган;

гемостат ва қушторон настойкаси тажриба ҳайвонлари асосий ички аъзолари ва тизимларининг функциясини сезиларли даражада ўзгартирмаслиги аниқланган;

олиб борилган тадқиқотлар организмдаги турли сабаблар туфайли юзага келадиган қон кетишини тўхтатиш учун маҳаллий доривор ўсимлик ҳомашёларидан олинган янги ҳамда юқори самарали фитопрепаратлар истиқболини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Илмий тадқиқот ишида назарий ёндошувлар ва усулларни қўллаш, услубий жиҳатдан тўғри амалий тадқиқотлар, ҳайвонларнинг сони тажриба учун етарлича бўлганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи фармакологик, патофизиологик, биокимёвий, морфологик, гематологик, иммунологик ва токсикологик усулларга асосланган илмий тадқиқотлар ва гемостат суюқ экстракти, қушторон настойкасининг гемостатик фаоллигини, фармакологик самарадорлигини баҳолаш учун олинган материалларни қайта ишлашнинг статистик усуллари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек олинган хулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ўсимлик *Polygonum aviculare* асосида илк мартаба гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг қон ивиш тизимининг босқичларига таъсирида



тромбопластин ва тромбиннинг ҳосил бўлиши ва фаоллигини ошириши, тромбоцитлар адгезияси ва агрегацияси ҳамда тромбоцитларнинг ретрактил қобиляти билан боғлиқлиги, уларнинг махсус фаоллиги ва хавфсизлиги тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, *Polygonum aviculare* асосида олинган гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг муайян патологик жараёнларни даволашда кенг қўлланилиб келинаётган дори воситаларга нисбатан анча афзал бўлиб, гемостатик таъсирга эга бўлган потенциал восита сифатида амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Polygonum aviculare* ўсимлиги асосида олинган гемостат суюқ экстракти гемостатик таъсирга эга бўлган потенциал восита сифатида баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

гемостат суюқ экстрактининг специфик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Гемостат суюқ экстрактининг специфик хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-д/253-сонли маълумотномаси) Мазкур услубий тавсиянома илмий тадқиқот лабораторияларида тажриба жараёнида гемостатик дори воситаларини таъсирини баҳолай олиш имконини берган;

қушторон настойкаси гемостатик таъсирга эга бўлган потенциал восита сифатида баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Қушторон настойкасининг гемостатик хусусияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-д/253-сонли маълумотномаси) Мазкур услубий тавсиянома тадқиқотларда гемостатик дори воситаларини хусусиятлари фаоллигини қисқа вақтда аниқ натижаларини олиш имконини берган;

*Polygonum aviculare* ўсимлиги асосида олинган гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг гемостатик таъсирини фармакологик баҳолаш бўйича олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумладан Тошкент тиббиёт академияси фармако-токсикологик текширувлар марказий илмий тадқиқот лабораторияси ҳамда Ўсимлик моддалар кимёси институти фармакология ва токсикология лабораторияларини амалий фаолиятига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 08.09/6576-сон маълумотномаси). Услубий тавсияномалар дори воситаларининг гемостатик таъсирга мукамал баҳо беришга йўналтирилган. Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши дори воситаларининг гемостатик фаоллигини қисқа вақт давомида ва сифатли аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси маҳаллий ва 2 таси халқаро журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби тўртта боб, кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мувофиқлиги, муоммонинг ўрганилганлик даражаси, шунингдек диссертация мавзусини диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, унинг объекти, предмети ҳамда тадқиқот усуллари кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиниши бўйича нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилишида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гемостатик дори воситалар фармакологиясининг замонавий аспекти (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобининг «**Синтетик ва табиий бирикмалардан иборат гемостатик таъсирга эга препаратлар**» ва «**Гемостатик хусусиятга эга ва таркибида К витамини сақловчи препаратлар**» номли қисмларида қушторон асосида олинган янги дори воситаларининг фармакологиясига оид тадқиқотларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилиниб, тизимлаштирилган.

Турли хил сабаблар туфайли келиб чиқадиган қон кетишини тўхтатишнинг мавжуд усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу муаммонинг етарлича ҳал қилинмаган жиҳатлари аниқланган ва бу иккита кичик гуруҳлардан иборат: Ушбу бобда гемостатик таъсир этувчи дорилар, уларнинг фармакологик таъсири, қўлланилиши, ножўя таъсирлари ва бошқалар батафсил баён этилган. Гемостатик даволашда таркибида К витамини сақловчи дори воситаларнинг ўрни алоҳида таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектига умумий тавсиф берилган, қўйилган вазифаларни бажаришнинг усул ва услублари келтириб ўтилган. Тадқиқот учун қушторон, аччиқторон ва қичитқи ўти 1:1:1 нисбатда 70% ли спиртдаги гемостат суюқ экстракти олинди. Гемостат суюқ экстракти ёқимли хидга эга очик жигарранг суюқликдан иборат. Гемостат суюқ экстракти таркибидаги қушторон, аччиқторон ва қичитқи ўти таркибида қуйидаги макро ва микроэлементлар сақлайди:

-Флавоноид бирикмалари (авикулярин, кверцетин, изорамнетин, мирицетин, кемпферол, лютеолин)

-Флавоноид ҳосилалари (рамназин, гиперозид), ошловчи моддалар, филолохинонлар

-В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, С, Е, К, витаминлар, каротин, пантотенат кислота, кумаринлар, хлорофил, шунингдек эфир ёғлари, шиллиқлар, ёғлар, шакар, кремний кислотаси ҳосилалари

-кўп миқдорда темир-микроэлементлари, кальций, фосфор, магний ва кумуш.

Гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкаси Тошкент фармацевтика институтининг фармацевтик кимё кафедрасида тайёрланган.

Тажрибаларда гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг гемостатик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқот аввалида скрининг тажрибалари ўтказилган. Гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг гемостатик таъсирини аниқлаш учун қон кетиш вақтини ва қон йўқотиш ҳажмини аниқлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Қон кетиш давомийлиги ва қон йўқотиш ҳажми И. Е. Ақопов ва М. И. Ибрагимов усули билан аниқланди. Қушторон, аччиқторон ва қичитқи ўтларининг 10 хил комбинациялари ўрганилиб, улар орасидан энг самаралиси 1: 1: 1 нисбатда эканлиги аниқланди.

Куйидаги тажрибаларда гемостат ва лагоден моддасининг (БОКИ рўй. 07/564/2 20.12.2013) ўзига хос таъсири таққослаб ўрганилган.

Тажрибалар тана массаси 180-200 г бўлган 24 та каламушларда олиб борилди. Каламушлар термостатга эшик бир оз очик ҳолда  $t^{\circ}$  30-31 $^{\circ}$ С да, бир соат давомида жойлаштирилди, шундан кейин улар олиниб, каламуш думининг учи 10 мм узунликда ўткир қайчи билан кесилди ва уни фильтр қоғозга олиб, қон кетиш вақти секундомер орқали қайд этилди.

Фильтр қоғози аввал термостатда қурилди ва кейин электрон тарозида тортилди. Думдан қон кетиши тўхтагач, фильтр қоғоз яна тарозида тортилиб, қон йўқотиш миқдори (мг) ҳисоблаб чиқилди.

Каламушлар 4 гуруҳга ҳар бир гуруҳда 6 тадан бўлинди.

I гуруҳ – назорат, бу гуруҳ каламушларига оғиз орқали 0,9% ли физиологик эритмадан ўрганилаётган модда миқдорида юборилди.

II гуруҳ - тажриба, бу гуруҳ каламушларига оғиз орқали 1 мл/кг миқдорда алкохолсизлантирилган гемостат суюқ экстрактидан бир маротаба юборилди.

III гуруҳ - тажриба, бу гуруҳ каламушларига оғиз орқали 4 мл/кг миқдорда алкохолсизлантирилган гемостат суюқ экстрактидан бир маротаба юборилди.

IV гуруҳ - тажриба, бу гуруҳ каламушларига оғиз орқали 2 мл/кг миқдорда қиёсий препарат сифатида – лагоден дориси берилди.

Ўрганилаётган ва қиёсий дори воситалари каламушларни термостатга жойлаштиришдан бир соат олдин юборилди, шундан сўнг каламушлар термостатдан олинди ва уларнинг қон кетиш вақти секундларда ҳамда қон йўқотиш миқдори мг. да аниқланди.

Кейинги тажрибаларда гемостат суюқ экстрактининг қуёнларда қон ивиш жараёнига таъсирини ўрганиб чиқилди (батафсил методикада кўрсатилган) қон ивиш умумий кечиш жараёни тромбоэластограф-тромб-2 да бажарилган тромбоэластограмма ёзувлари натижаларига қараб баҳоланди.

Тромбоэластография қон ивиш жараёнидаги ўзгаришларнинг умумий йўналиши, протромбиназа, тромбин ва фибрин ҳосил бўлиш фазаларидаги

Ўзгаришлар ҳақида хулоса қилиш ва ўткир фибринолизга ташҳис қўйиш имконини беради.

Гемостат суяқ экстрактининг қон тўхтатиш таъсир механизмини аниқлаш мақсадида унинг тромбоцитлар сони ва функционал фаоллигига таъсири қуёнларда ўрганилди.

Гемостат суяқ экстракти 5 маротаба суялтирилиб, 1 мг/кг миқдорда қўлланилди. Динамикада дастлабки кўрсаткичлари гемостат суяқ экстрактининг юборилгунга қадар ва 30, 60, 120 дақиқадан сўнг олинди. Тромбоцитлар сони гематологик анализатор Миндрай-5000 ВС аппаратида ҳисобланган. Тромбоцитлар адгезияси С.И. Чекалина усули билан, тромбоцитлар спонтан агрегацияси эса Wuib.Noak усули билан, қон ивиш ретракцияси Hirschboeck 1. S. усулида аниқланди. Худди шундай тажрибалар қушторон настойкаси билан 5 мл/кг дозада олиб борилди.

Гемостат суяқ экстрактининг қон ивишига бўлган маҳаллий таъсири Thienes усулида ўрганилди. Ушбу мақсадда каламуш жигари ажратиб олиниб ўткир тифли жисм орқали 10-12 мм узунликда ҳамда 3-4 мм кенликда кесма олинди. Шундан сўнг жигар юза томонига гемостат суяқ экстракти (5-10%ли) сурилди ва филтрли қоғоз ёрдамида қон кетиш вақти ҳамда миқдори аниқланди. Бунинг учун кесилган юзага ҳар 2-3 секундда филтр қоғоз бўлаклари қопланди. Қон кетишининг тўхташи давомийлиги филтр қоғозга ёпишиб, қон қуйқаси ҳосил бўлгандаги вақти ҳисобланди.

Кейинги тажрибаларда гемостат суяқ экстрактининг капиллярлар ўтказувчанлигига бўлган таъсири ўрганилди. Капиллярлар ўтказувчанлигини бузилиш модели К. М. Монаков усуллари билан чақирилди. Тажрибалар массаси  $20,0 \pm 2,0$  г оғирликдаги иккала жинсдаги 60 та оқ сичқонда ўтказилди. Капиллярлар реактивлигининг ўзгаришини миқдорий ўрганиш учун оқ сичқонлар терисининг капилляр ўтказувчанлиги бузилишини ривожланиш вақтини унга стандарт агент п-ксиллол қўллаганда қайд этишга асосланган усул.

Гемостат суяқ экстракти трипан кўки қўлланилишидан олдин оғиз орқали 1 мл/кг дозада бир маротаба 60 дақиқа давомида юборилди. Суяқ экстракт юборишдан олдин дистилланган сувда 10 марта суялтирилди. Назорат гуруҳига худди шу усулда суялтирилган 1 мл сув-спирт эритмаси юборилди. Кверцетин флавоноид гликозид авикуляриндан гидролиз йўли билан ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, таққослаш учун Р витамини ва рутин мос равишда 3 мг/кг ва 5 мг/кг миқдорда олинди.

Қушторон настойкасининг қон кетиш вақтига ва қон йўқотиш миқдorigа оид алоҳида қатор тажрибалар таъсири массаси 160-185 г оғирликдаги ҳар иккала жинсдаги 18 та каламушларда ўрганилган. Ушбу тест гемостазнинг қон томир-тромбоцитлар механизмини акс эттиради ва тромбоцитларнинг сони ва ҳолати, уларнинг адгезия ва агрегация қилиш қобилияти билан белгиланади. Қушторон настойкаси 5 ва 10 мл/кг миқдорда юборилди. Қийсий препарат сифатида 5 мл/кг миқдордаги жағ-жағ суяқ экстрактдан фойдаланилди (жағ-жағ суяқ экстракти 20 мл дан МЧЖ “Galenika” Рег. DV/M 00412/11/15).

Кейинги тажрибаларда гемостат суюқ экстрактининг фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилди. Гемостатнинг ўткир захарлилиги И. В. Саноцкий усули билан ўрганилди. Гемостатнинг аллергия таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар икки жинсдаги 140-170 г оғирликдаги 36 дона оқ каламушларда ўтказилди. Анафилактик шок В. А. Адо усули билан чақирилди. Бундан ташқари ўрганилган дориларнинг маҳаллий қитиқловчи, кумулятив, эмбриотоксик ва тератоген таъсирлари ўрганилди. Алоҳида қатор тажрибаларда гемостат ва қушторон настойкасининг лаборатор ҳайвонлар организмига таъсири сурункали юбориш билан ўрганилди. Тажрибалар ЎЗР ФҚ кўрсатмаларига биноан ҳар иккала жинсдаги массаси 140-160 г оғирликдаги 36 дона каламушда ўтказилган.

Гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкаларининг лаборатор ҳайвонлар юрак-қон томир, вегетатив ва марказий нерв тизимига, силлик мушакларга, шунингдек буйрақларнинг экскретор функциясига ва электролит алмашинувига таъсирларини ўрганиш орқали тўлиқ фармакологик хусусиятларини ўрганилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишлов берилиб, жумладан, ички статистик ишлов бериш функцияларидан ва Windows учун Биостат амалий пакетидан (5.8.4.3-версия) фойдаланилди.

Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг арифметик ўртача ( $M$ ), ўртача квадратик оғиш ( $G$ ), ўртача стандарт хатолик ( $m$ ) ва нисбий қийматлар (частота, %) ни ҳисоблаш учун қўлланилди. Ўртача миқдорий қийматларни таққослашда олинган ўлчашларнинг статистик аҳамияти Стъудент мезони ( $t$ ) тақсимотнинг нормаллиги (куртоз мезони бўйича) ва умумий вариацияларнинг тенглиги ( $F$  – Fisher мезони бўйича) текширилганда хатолик эҳтимоллиги ( $P$ ) ни ҳисоблаш билан аниқланди.

Диссертациянинг учинчи «**Гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг экспериментал ҳайвонларда клиник олди фармако-токсикологик хусусиятларини ва қон ивиш тизимига таъсирини ўрганиш**» номли боби беш қисмдан иборат бўлиб, гемостат суюқ экстракти экспериментал ҳайвонларда қон ивиш тизими ва капиллярлар ўтказувчанлигига таъсири, қушторон настойкасини қон ивиш тизими ва диурезга таъсири, гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг клиник олди фармако-токсикологик характеристикаси, гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг сурункали токсиклигини аниқлаш ва гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг лаборатор ҳайвонлар асосий орган ва тизимларига таъсирлари кўриб чиқилган.

Гемостат суюқ экстракти ва қушторон настойкасининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Гемостат суюқ экстрактининг қон кетиш давомийлигига ва қон йўқотиш миқдorigа таъсири қийсий препарат лагоден билан таққосланиб ўрганилди.

Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Гемостат ва лагоден юборилгач 60 дақиқадан кейин каламушлардаги қон кетиш вақти ва қон йўқотиш миқдори ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )

№	Препаратлар дозалари	Қон кетиш вақти		Қон йўқотиш миқдори	
		сон.	%	мг	%
1	Физиологик эритма (0,9%) ли	335±19	100	284±18	100
2	Гемостат 1 мл/кг	87±7***	26	67±4***	23.6
3	Гемостат 4 мл/кг	132±11***	39,4	132±10***	45,4
4	Лагоден моддаси 2 мл/кг	120±8***	35,8	129±11***	43

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (\*\*\*) -  $P < 0,001$

Жадвалда кўрсатилганидек, назорат гуруҳида қон кетиш вақти  $335 \pm 19$  секунд бўлиб, қон йўқотиш миқдори  $284 \pm 18$  мг. ни ташкил этган. Ўрганилган суяқ экстракт - гемостат (1 мл/кг) таъсирида қон кетиш вақти назоратга нисбатан 74,0% га, қон йўқотиш миқдори эса 76,4% га камайди.

4 мл/кг дозада суяқ экстракт қўлланилган каламушлар гуруҳида қон кетиш вақти 60,6% га қисқарди ва қон йўқотиш миқдори назорат гуруҳига нисбатан 54,6% га камайди.

Лагоден препаратини 2 мл/кг дозада оғиз орқали юборилган каламушлар гуруҳида қон кетиш вақти назорат гуруҳига нисбатан 64,2% ва қон йўқотиш миқдори 57% га камайди.


Шундай қилиб, олинган натижалар гемостат суяқ экстрактининг гемостатик хусусиятлари мавжудлигини кўрсатади ва гемостатик фаоллиги бўйича лагодендан кам эмас.

Қуйидаги тадқиқотларда гемостат суяқ экстрактининг қон ивиш жараёнига таъсирини тромбоэластограф-тромб-2 ёрдамида ўрганилди. Тромбоэластография қон ивиш жараёнидаги ўзгаришларнинг умумий йўналиши, протромбиназа, тромбино ва фибрин ҳосил бўлиш фазаларидаги ўзгаришлар ҳақида хулоса қилиш ва ўткир фибринолизга ташхис қўйиш имконини беради.

Гемостат суяқ экстрактининг максимал таъсири 30 минутдан кейин ривожланиши аниқланди. Таъсир давомийлиги 120 дақиқадан ортиқ. Препарат қон ивишининг I ва II босқичларига таъсир қилади-тромбопластин ва тромбиннинг ҳосил бўлиши ва фаоллигини оширади ҳамда плазманинг гепаринга бардошлигига таъсир қилиши мумкин.

2 - жадвалда кўрсатилганидек, гемостат суяқ экстракти 30 минутдан кейин 1 мл/кг дозада К - ретракцияси вақтини 4.5 мартага 454.0 дан 101.0 мм гача чўзган. У қон ивишининг I-босқичини характерлайди ва тромбопластиннинг ҳосил бўлиш тезлигини акс эттиради. 60 дақиқадан сўнг бу кўрсаткич дастлабки натижага нисбатан 202.0 мм ва 2,3 марта кам бўлди. 120 минутдан кейин К - ретракция вақти, 282.0 мм ва 38% гача қисқарди.





**1-расм. Гемостат суюқ экстрактини қуёнларга оғиз орқали 1.0 мл/кг микдорда юборилгандан сўнг тромбоэластограммадаги ўзгаришлар.**

Худди шунингдек, 30-60 дақиқадан сўнг ҳосил бўлган тромбин концентрацияси ва фибриноген миқдорига боғлиқ бўлган К-қон лахтаси ҳосил бўлиш вақти 271,7 дан 70.6 мм гача ёки 74% гача камайди. 120 дақиқадан сўнг бу кўрсаткич 141.0 мм ни ташкил этди ва дастлабки натижага нисбатан 48% қискарди.

R/K - константа протромбиннинг ишлатилиши учун доимий бўлиб, тромбопластин генерацияси тезлигини (K) ҳосил бўлган тромбин миқдорига (K) нисбатини ифодалайди. Доимийликнинг пасайишига тромбиннинг ортиқчалиги эмас, балки унинг ҳосил бўлиш тезлиги таъсир қилади, ўсиш эса кўпроқ фаоллигига ва камроқ тезлигига эга. 2-жадвалда 30 минутдан кейин тромб ҳосил бўлиш тезлиги 18% га, 60 минутдан кейин эса тромб фаоллиги дастлабки натижага нисбатан 71% га ошганлигини кўрсатади. 120 дақиқадан сўнг бу кўрсаткич дастлабки натижадан фарқ қилмади.

R+K - қон ивишининг умумий давомийлигини ифодаловчи ўзига хос бўлмаган коагуляция константаси. Гепаринга плазма толерантлигини аниқлаш билан тахминан бир хил клиник аҳамиятга эга ва антитромбин III таркибини акс эттиради. Тадқиқотларимизда бу кўрсаткичнинг максимал камайиши 30 минут (76%) ва  $17 \pm 1.3$  мм (натижа  $72 \pm 5.2$  мм) ни ташкил этади.

60 дақиқадан сўнг,  $27 \pm 2.0$  мм, ва 120 дақиқадан кейин эса,  $42 \pm 3.0$  мм бўлади.

Қуёнларнинг интакт гуруҳида гемостат суюқ экстрактининг гиперкоагулятивлик таъсири аниқланди ва препаратни қўллашдан кейин 30-

60 дақиқа гиперкоагуляции индекси (Ci) 3.4-2.2 марта ошди. Максимал амплитуда МА ва лахтанинг эластиклиги E дастлабки параметрлар доирасида ўзгаради. Гемостат суяқ экстракти 4 мл/кг миқдорда шунга ўхшаш таъсирга эга эканлиги аниқланди.

## 2-жадвал

**Гемостат суяқ экстрактини қуёнларга оғиз орқали 1 мл/кг миқдорда бир маротаба юборилганда тромбоэластограммалари кўрсаткичларига таъсири, (M±m; n=6)**

ТЭГ кўрсаткичлари	Гемостатни қўллаш пайтидан бошлаб, тадқиқот вақти, дақ.			
	дастлаб	30	60	120
R, мм	45±4,0	10±1,0***	20±2,0***	28±2,0**
K, мм	27±1,7	7±1***	7±0,4***	14±1,0***
R+K, мм	72±5,2	17±1,3***	27±2,0***	42±3,0***
R/K	1,7±0,1	1,4±0,1***	2,9±0,2***	2,0±0,2
МА, мм	45±1,0	47±1,4	48±1,0	45±1,0
t, мм	100±10	100±10	100±10	120±10
S, мм	130±11	107±10	107±10	134±12
T, мм	185±15	117±10**	127±12*	162±14
Ci	0,82±0,05	2,8±0,2***	1,8±0,1***	1,1±0,1*
E	82±6	89±6	92±8*	82±6
ИТП	0,63±0,04	0,84±0,06**	0,86±0,06**	0,61±0,04

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Гемостат суяқ экстрактининг таъсир механизмини тушунтириш мақсадида қуёнлардаги тромбоцитларнинг сони ва функционал фаоллигига таъсири ўрганилди. Натижалар 3-жадвалда кўрсатилган.

## 3-жадвал

**Гемостат суяқ экстрактини қуёнларга оғиз орқали 1 мл / кг миқдорда бир маротаба юборилганда тромбоцитларнинг миқдори ва функционал фаоллигига таъсири, (M±m; n=6)**

№	Кўрсаткичлар % ларда	гемостатни қўллаш пайтидан бошлаб, тадқиқот вақти, дақ.			
		дастлаб	30	60	120
1	Тромбоцитлар, 10 <sup>9</sup> /л	$\frac{400 \pm 12}{100}$	$\frac{550 \pm 20^{***}}{138}$	$\frac{800 \pm 16^{***}}{200}$	$\frac{850 \pm 15^{***}}{212}$
2	Қон лахтаси ретракцияси, дақ.% ларда	$\frac{13 \pm 0,8}{100}$	$\frac{9 \pm 0,6^{**}}{75}$	$\frac{7 \pm 0,4^{***}}{58}$	$\frac{6 \pm 0,4^{***}}{50}$
3	тромбоцитлар адгезияси, % ларда	$\frac{20 \pm 1,0}{100}$	$\frac{28 \pm 3,0^*}{140}$	$\frac{38 \pm 4,0^{**}}{190}$	$\frac{45 \pm 2,4^{***}}{225}$
4	Спонтан агрегация % ларда	$\frac{25 \pm 1,4}{100}$	$\frac{36 \pm 2,6^{**}}{144}$	$\frac{44 \pm 2,4^{***}}{176}$	$\frac{35 \pm 2,4^{**}}{140}$

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

3-жадвалдан кўрсатилганидек, гемостат суюқ экстрактини 1 мл/кг дозада юбориш периферик қондаги тромбоцитлар сонини 38-112 минут давомида 30-60-120% ортишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, тромбоцитлар сони максимал ўсиши дори юборишдан бошлаб 120 дақиқани ва мос равишда  $850 \pm 15 \cdot 10^9$ /л ташкил этди.

Гемостат суюқ экстракти таъсири остида қондаги тромбоцитлар функционал фаоллиги ортади. Шу билан бирга 60 минутдан кейин адгезия  $20 \pm 2,0\%$  дан  $38 \pm 4,0\%$  га ёки  $90\%$  га ошди. Адгезиянинг максимал ўсиши 120 дақиқадан сўнг  $20 \pm 1,0\%$  дан  $45 \pm 2,4\%$  ёки  $123\%$  гача кузатилди. Препарат 30 дақиқадан сўнг тромбоцитлар спонтан агрегациясини  $25 \pm 1,4$  дан  $36 \pm 2,6$  ёки  $44\%$  га ўзгартирди. 60 ва 120 дақиқадан сўнг эса препарат  $44 \pm 2,4$  ва  $35 \pm 2,4$  га ёки  $76\%$  ва  $40\%$  га оширди.

